



Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 18-iyul, payshanba № 85 (3278)

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бизнинг бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган, ривожланишнинг «Ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт йўлини, демократлаштириш ва янгиланиш йўлини танлаганимиз, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш мақсадида чуқур ўйланган, кенг қўламли ислоҳот ва ўзгаришларни, аввало, иқтисодийнинг етакчи тармоғи бўлмиш қишлоқ хўжалигидан бошлаганимиз мана шундай ютуқларимизнинг негизини ташкил этмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.
Ислом КАРИМОВ

Ўшонч

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Ўзбекистон Ғаллакорларига

Мамлакатимиз ғаллакорлари **7 миллион 610 минг** тоннадан зиёд дон йигиштириб, йиллик шартнома мажбуриятини ортиғи билан адо этдилар.



Қадрли дўстлар!
Сиз, азиз деҳқон ва фермерларимизни, барча дала меҳнаткашларини ризқ-рўзимиз ва бойлигимиз манбаи, дастурхонларимизнинг тўқинлиги, тўқчилик белгиси бўлмиш ғалладан 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, улкан меҳнат ғалабасини қўлга киритганингиз билан чин қалбидан муборакбод этаман.
Бугун Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи бор мана шундай мисли кўрилмаган натижага эришиб, кўпчилик вилоят ва туманларда, фермер хўжалиқларида ҳосилдорликни юксак даражага етказганимиз фойдали деҳқон ва фермерларимиз қандай буюк ишларга қодир эканини намойён этиб, бутун халқимизнинг қайдиғи ва руҳини кўтарди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.
Халқимизга мансуб бўлган азалий қадриятга кўра, нонни азиз ва табаррук нъмат сифатида қадрлаб, эъозлаб, уни доимо кўзига тўтиё қилиб яшайдиган эл-юртимиз бу ютуқ қандай оғир ва машаққатли меҳнатингиз, азму шижоатингиз эвазига қўлга киритилганини яхши билади ва юксак баҳолайди.

даражаси меъеридан ортиқ бўлгани, март ойида эса ҳароратнинг одатдагидан кўра пасайиб кетгани, дўл ва жалалар ёғиши деҳқонларимиз учун жиддий ташвиш ва муаммолар туғдирди.
Айни шундай мураккаб шароитда дала меҳнаткашлари, аввало, ишни тўғри ташкил қилиш, замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланиш ҳисобидан ҳосилни сақлаб қолишга ва белгиланган марраларни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Бу ҳақда гапирганда, мавсум давомида ғаллазорларга жами 12 миллион тонна, ҳар гектар майдонга ўртача 10 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани, деҳқонларимизнинг ҳар туп қўчат устида парвона бўлиб, ўзини аямасдан меҳнат қилганини миннатдорлик билан таъкидлаш лозим.

Албатта, мана шундай юксак хирмон яратишга эриганимизнинг омиллари ҳақида сўз юритганда, охириги йилларда ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, селекция ишларини тўғри йўлга қўйиш, ғалла навларини ҳар бир ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитини, сув билан таъминлаш даражасини инobatта олган ҳолда жойлаштириш, замонавий техника, янги комбайнлар, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш, ҳашарот ва зараркундаларга қарши курашиш — албатта, буларнинг барчаси амалий самарасини берганини унутмаслигимиз керак.

Ишнинг кўзини билиб амалга оширилган ана шундай муҳим чора-тадбирлар тўғрисида барча вилоят, жумладан, нисбатан оғир шароитда бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ғаллакорлари ҳам давлатга дон сотиш шартнома мажбуриятини бажаришга эришдилар. Айниқса, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилоятларида суғориладиган ерларда ҳосилдорлик ўртача 57-63 центнерни ташкил қилганини бу йилги мавсумнинг энг муҳим натижаси сифатида баҳолаш ўринлидир.

Бошқаларга ибрат ва намуна бўлган Учкўрғон, Норин, Уйчи, Сарийосё, Вобкент, Яқабоб, Қарши, Олтинқўл, Иштихон, Пахтаобод, Избоскан, Балиқчи, Оқдарё, Учкўприк, Косон, Дўстлик, Ромитан, Тошлоқ, Фурқат, Пискент, Юқори Чирчиқ, Хатирчи туманларида ҳосилдорлик 60-75 центнердан ошганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Каттақўрғон туманидаги «Ҳосил», «Шакар ота», Учкўприк туманидаги «Фаровон ҳаёт сари», Норин туманидаги «Аҳмадхон Алижон ота ўғли», Учкўрғон туманидаги «Гулхўмор», Бувайда туманидаги «Ёқубжон ота», Олтинқўл туманидаги «Намуна серҳосил ери», Жондор туманидаги «Бахтиёр Яраш ўғли», Дўстлик туманидаги «Омонтурди ота», Хатирчи туманидаги «Тасмачи икболи», Урта Чирчиқ туманидаги «Иброҳим Абдураҳмонов» каби ўнлаб фермер хўжалиқларида гектардан 100 центнер ва ундан ошириб ҳосил олингани юртимиз деҳқонларининг ҳақиқий омилкорлик фазилатлари ва меҳнат жасоратининг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Энг асосийси, етиштирилган жами ҳосилнинг қарийб 50 фоизи ёки 3 миллион 524 минг тоннаси фермер хўжалиқлари ихтиёрида қолдирилганини деҳқонларнинг омборлари донга, рўзгорлари кут-барақага тўлиб бораётгани, улар ўз меҳнатидан катта манфаат кўраётганининг ёрқин далили сифатида қабул қиламиз.

Қадрли ва муҳтарам дўстларим!
Ишончим комил — бугунги қувончли айёмда сиз, азиз ғаллакорларимиз, деҳқон ва фермерларимиз эришган бу улкан ғалаба Ўзбекистонимизда каттаю кичик барчани, касбу юри, вази-фасидан қатъи назар, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Бугун эл-юртимизнинг тилида ва дилида сизларнинг шаънингизга бағишлаб, «Баракалла, барчамизни қойил қолдирдингиз, ҳеч қачон кам бўлмаган!» деб айтилаётган ҳис-туйғулар, эзгу тилаклар муҳасам, десам, ўйламанки, янгилашмаган бўламиз.

Мана шундай хурсандчилик кунда сиз, миришкор деҳқон ва фермерларни, механизатор ва комбайнчиларни, қишлоқ хўжалиги мутахассисларини, юксак хирмонга муносиб ҳисса қўшган барча-барча юртдошларимизни бағримга босиб, яна бир бор самимий табриқлайман.

Фидокорона ва ҳалол меҳнатингиз учун ўз номидан, бутун халқимиз номидан таъзим қиламан.

Доимо соғ-омон бўлинг, азизларим, қадрдорларим!

Ўзал ва бетакрор, муқаддас Ватанимизни, заҳматқаш ва олижаноб халқимизни Яратганимиз доимо ўз паноҳида асрасин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2013 йил 16 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари кўриб чиқилди ҳамда 2013 йил 18 январда республика Ҳукумати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг йўналишлари ва энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда 2013 йилги иқтисодий дастурнинг, энг аввало, иқтисодиёт устишининг барқарор юқори суръатларини сақлашга ва унинг рақобатбардорлигини оширишга, фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштиришга ва кўламли раёни кенгайтиришга, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, шунингдек, аҳоли бандлигини, турмуши даражаси ва сифатини изчил оширишга йўналтирилган устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъмин-

лаш ишлари натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.
Қайд этилдики, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган мамлакатни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг самарали стратегияси изчил ва аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилиши тўғрисида, глобал иқтисодиётда мавжуд бўлган жиддий муаммоларга қарамай, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини ва макроиқтисодий барқарорликни сақлаш таъминланмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги яқунлари бўйича янги ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фо-

изни, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 8,2 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши — 7,3 фоизни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши — 16,1 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджети янги ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз микдорда профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади.
Ички талабни мутаносиб рағбатлантириш ҳамда маҳаллий товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат курсатувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 14,4

фоизга, чакана товар айланмасининг — 14,6 фоизга, хизматларнинг — 12,1 фоизга ўсишини таъминлади. Янги ички маҳсулотда хизматлар соҳасининг улуши 2012 йилнинг биринчи ярим йиллиги яқунлари бўйича 52,2 фоиз ўрнига 52,4 фоизгача ўсди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 36,1 фоизга кўпайди.
Энг юқори даражада қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаол ривожланмоқда. Бу уларнинг янги ички маҳсулот, sanoat ишлаб чиқариши, экспорт ва бандликдаги улушининг изчил ўсишида акс этмоқда. Фақат жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида кичик бизнеснинг 15,8 мингта янги субъекти ташкил этилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Эл корига яраймиз

Вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва аъзо ташкилотлар томонидан Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар қизгин тус олган.

Шу кунларда болалар оромгоҳларида «Шу ватан фарзандиман», «Озод ва обод элнинг ўғлиман» номли адабий-мусликий кечалар ташкил этилмоқда. Бирлашма Ешлар кенгаши ташаббус билан «Мурувват уни» ёшлар эътиборида» акцияси доирасида қариялар, ногирон ва ёлғизлар ҳолидан хабар олинапти. Шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатлами вакилларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳардан 4 нафардан, жами 40 кишини театр, концерт ва бошқа маданий-маърифий тадбирларга жалб қилиш режалаштирилган. 20 та эҳтиёжманд оилга электр маъиший техника жиҳозлари тарқатилди.
Бу ишларни амалга оширишда давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари шаҳар, туман кенгашлари фаоллик кўрсатмоқда. Мустақилликни химоя қилиш йўлида жонини фидо этган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига манзилли ёрдам кўрсатилади.
«Касабга уюшмалари — болаларга» акцияси доирасидаги тадбирларимиз ҳам оммавийлашиб бораётир. Жумладан, мактабга борадиган 700 нафар бола иштирокида «Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» мавзусида тадбир ташкил этилди.

Х. ХАЛИЛОВ,
Навоий вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири

Соғлом она — соғлом бола

2011 йилда Тошкентдаги симпозиумлар саройида ўтказилган «Соғлом она — соғлом бола» халқаро анжуманида иштирок этиб, жаҳон ҳамжамиятининг мамлакатимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берганини кўриб, қалбимда гурур алангалаганди.
Анжуман бу борадаги фаолиятимизни янада такомиллаштиришга давлат этгандек бўлди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, республика раҳбариятининг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасида олиб бораётган сиёсатини қўллаб-қувватлаш, ўз хиссамизни қўшиш ҳар биримиз учун қарз ва фарз. Эндиликда, бу жараёнда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам фаоллиги кўзга ташланаётганлиги қувонарли.

(Давоми 4-саҳифада).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада).

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида халқнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, мамлакатнинг фаровонлиги ва раванқини таъминлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларни амалга оширишга барча манбалар ҳисобига 3,4 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Жорий йилнинг I ярим йиллигида 554,4 мингта янги иш ўринлари, улардан 334,4 мингтадан кўпроги ёки 60,3 фоиз қишлоқ жойларда ташкил этилди. Аҳолининг реал даромадлари 16,3 фоизга ўсди.

Мухокама давомида вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдида устувор вазифалар бажарилишини ҳамда 2013 йил учун белгиланган мақсадли параметрлар ва прогнозларга эришишни таъминлайдиган, шунингдек, кейинги йилда иқтисодийнинг барқарор ишлаши учун тайёргарлик ишларини ташкил этиш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар кўйилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмаларига янгида ташкил этиладиган иш ўринлари сонини кўпайтириш, шунингдек, касб-хўнар коллежлари битирувчиларини эгалланган мутахассисликларга мувофиқ ишга жойлаштиришни таъминлаш учун мавжуд захираларни сафарбар этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жаддалаштириш ва 2013

йилда ишга тушириш назарда тутилган энг муҳим ишлаб чиқариш объектларини ўз вақтида фойдаланишга топширишни сўзсиз таъминлаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларнинг натижаларини батафсил таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Қайд этилдики, қўрилган чора-тадбирлар натижасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини 10,5 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажмини — 13,2 фоизга кўпайтириш таъминланди. 1233 ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди, умумий қиймати 6,8 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 141 янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Ўзбекистон миллий автоматизирани тарихига кирувчи автомобил йўлларини куриш ва реконструкция қилиш дастури доирасида 349,9 миллиард сўм ўзлаштирилди.

Мухокама давомида айрим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қўлоқликка йўл қўйган бир қанча ҳўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарларининг фаолияти танқид қилинди. Улар олдида камчиликларини бартараф этиш ҳамда йўл қўйилган қўлоқликнинг ўрнини тўдиришни ва ишлаб чиқариш объектларининг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлайдиган қўшимча чора-тадбирлар кўриш юзасидан катъий талаблар қўйилди.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси ва «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки раҳбарларининг эътибори қишлоқ жойларда жорий йилда фойдаланишга топширилиши назарда тутилган намунавий лойиҳалар бўйича 10 мингта янги уй-жойлар қурилиши тугаланишини

жадаллаштириш зарурлиги қаратилди.

Мажлисда экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва экспортдан олинладиган валюта тушумини кўпайтириш ишларининг ҳолати ҳар томонлама кўриб чиқилди ва батафсил таҳлил қилинди. Қайд этилдики, ҳаҳон бозорлари конъюнктурасидаги ноқулай ўзгаришларга қарамай, иқтисодий тармоқларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар экспорт ҳажмининг 11,4 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий салдосини таъминлади. Маҳаллий товарлар ва хизматларни экспорт қилиш турлари ва географияси кенгаймоқда.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида экспортга етказиб бериладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ва уларнинг турларини кенгайтириш захираларини аниқлаш ва мавжуд захираларни сафарбар этиш ишларини зарур даражада ташкил этишни таъминлаётган бир қанча ҳўжалик бирлашмалари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг фаолияти танқид қилинди. Улар олдида экспорт қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланмайдиган саноят корхоналарини экспорт фаолиятига жалб этишга, шунингдек, халқаро стандартларга мувофиқ маҳсулот сифатини бошқариш ва унинг сертифициациясини ўтказишни замонавий тизимларни кенг жорий этишга йўналтирилган комплекс қўшимча чора-тадбирлар кўриш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисда бошқоқли дон экинлари хосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва фўзаларни ўстириш бўйича комплекс агротехника тадбирларини бажариш ишларининг ҳолати батафсил кўриб чиқилди. Қайд этилдики, деҳқонлар, олимлар ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар ходимларининг фидоқорона меҳнати тўғрисида бошқоқли дон экинларидан биринчи марта 7,6 миллион тоннадан ортиқ рекорд ҳосил олинди. Уртача ҳосилдорлик гектарига 55 центнергача етказилди.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва қишлоқ ҳўжалиги хизмат кўрсатувчи иқтисодий тармоқлар раҳбарларининг эътибори 955 минг гектар ерларни шудлоштириш тугаллашни жаддалаштириш, уларнинг бир қисмини қишлоқ ҳўжалиги экинларини тақдоран экишни уюшқоқлик билан ва ўз вақтида ўтказиш зарурлиги қаратилди. Шунингдек, улар олдида фўзалар ривожидида қўлоқликни бартараф этишни таъминлайдиган комплекс қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан аниқ топшириқлар қўйилди.

Кўн тартибидидаги масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, республикадаги йирик корхоналар ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика ҳукумати мажлисга киритилган масалаларни муҳокама қилиш ақунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА

Қонун ижодкорлиги

Мустақиллик йилларида барча соҳа ва тармоқларни изчил ривожлантириш мақсадида мустаҳкам ҳуқуқий асослар шакллантирилди. Аиникса, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қатор қонунлар ва қонунияти ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Аҳоли бандлиги — ободлик ва фаровонлик омили

Бундан ташқари, аҳолининг бандлик даражасини янада яхшилаш учун Меҳнат Кодекси, «Аҳоли иш билан таъминлаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлигини ҳам айтиш мумкин.

Қонунларнинг қабул қилинишида бу каби комплекс ёндашув ҳаҳондаги қўллаб-қувватлашда молиявий инқироз ҳали ҳам давом этаётган иш жойлари қисқартирилган бир пайтда фуқароларимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ишончли ҳимоялаш омилига айланганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳар йили янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг рўёбга чиқарилиши бутун дунёда «Ўзбек модели» дея эътироф этилган тараққиёт формуласининг тантанасидир, албатта.

Республикада бозор муносабатларига тўлиқ шaroитида инсон манфаатларига йўналтирилган иш билан бандлик стратегияси ишлаб чиқилган. Ушбу стратегиядаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида мамлакатимиз Парламенти томонидан 1992 йил 13 январда «Аҳоли иш билан таъминлаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган. Унга кўра, ҳар йили Олий Мажлис Қонунчилик палатаси «Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»ни тасдиқлайди ҳамда ижросини таъминлаш бўйича назорат-таҳлил ишларини олиб боради.

Назорат-таҳлил натижалари шунини кўрсатдики, айрим минтақаларда янги корхоналарни ишга тушириш, кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, яққа тартибдаги хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш соҳасида бир қатор муаммолар мавжуд. Бу кўпроқ аҳолини иш билан таъминлаш масаласига ёндашувларнинг кескин ўзгариб бориши билан боғлиқ бўлиб, ушбу ҳол «Аҳоли иш билан таъминлаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини тақомиллаштиришга туртки берди.

«Аҳоли иш билан таъминлаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳаҳида» қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йил 5 феврал куни Қонунчилик палатасига тақдим этилди ва депутатлар томонидан 2013 йил 7 март куни концептуал нуқтаи-назардан маъқулланди.

Қонун лойиҳасининг асосий мақсади аҳоли бандлигини таъминлаш ва тартибга солишининг ҳуқуқий асосларини, ушбу жараёндарга таъсир қилувчи мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши хусусиятлари, устуворликлари, келажаги, бандлик соҳасидаги халқаро стандартлар ва нормаларни ҳисобга олган ҳолда тақомиллаштиришдан иборат.

Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишида бандлик тўғрисидаги қонунчиликнинг ҳолати ва унинг амалга оширилиши, аҳоли иш билан таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи муаммолар атрофида ўрганилди.

Бу шунини англатадики, ушбу қонун лойиҳасини қабул қилиш иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган аҳоли муайян тоифаларини мақомини белгилашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди, иш билан таъминланмаган ва иш қидираётган шахсларни тўла ва объектив аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат бозорини, меҳнат миграцияси ва аҳолини, жумладан ёшларни, аёлларни, таълим муассасалари битирувчилари, одам савдоси жабрдўстларини ва меҳнат органларига мурожаат қилганларнинг унумли меҳнатда банд

бўлишини таъминлаш бўйича аниқ тадбирларни белгилаш ҳамда амалга оширишга қўмақлашади.

Биринчи ўқишда қабул қилингандан сўнг қонун лойиҳаси матнига нисбатан иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қонун лойиҳасида концептуал ўзгаришлар бўлмади. Лекин тахририй жиҳатдан бир қатор ўзгаришлар киритилди:

Биринчидан, Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинганда, қонунга 4 та янги модда ва ундаги 33 та моддага қўшимча ва ўзгариш киритилиши назарда тутилган эди, қўшимча хузурда ташкил этилган ишчи гуруҳи йиғилишларида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрланган матнида «Таълим муассасалари битирувчиларини ишга қабул қилишдаги кафолатлар» номли 91-модда ҳамда 11 та моддага ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Иккинчидан, биринчи ўқишда Қонунга «Асосий тушунчалар» киритиш назарда тутилган бўлиб, ишчи гуруҳи ушбу тақлифни қайта кўриб чиқиб, асосий тушунчаларга киритилиши назарда тутилган тушунчаларни қайта қонун нормаларида тиклади.

Учинчидан, бир қатор моддаларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, айрим моддалар ёки уларнинг қисмлари янги тахрирда баён этилди. Қонун лойиҳасини иккинчи ўқиш муҳокамасига тайёрлаш жараёнида Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партия фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи ўзларининг тақлиф ва тавсиялари билан фаол иштирок этишди. Қонун лойиҳаси тушган тақлиф ва тавсияларни инobatта олинган ҳолда иккинчи ўқишда депутатлар эътиборига ҳавола этиш учун тайёрланди.

Маълумки, оиланинг тинчлиги ва ободлиги ундаги тўқисликка асосланади. Бунинг учун эса оиладаги ҳар бир меҳнатга яроқли шахс иш билан таъминланган бўлиши лозим. Бундан ташқари, фарзандларга ота-она меҳнати маҳсулини, яъни маблағларини мақсадли сарфлашга ўргатиш ва уларни тадбиркорлик руҳида тарбиялаш керак. Зеро, мамлакатимизда олиб борилаётган ишсизлик, ёшларимиз учун яратилаётган шaroитлар бошқа давлатларникидан тубдан фарқ қилади.

«Аҳоли иш билан таъминлаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳаҳида»-ги Қонун лойиҳаси концепциясида ақс эътиридан нормалар янги иш ўринларини яратишда, авваламбор, ёшлар бандлигини таъминлашда ниҳоятда зарур ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа саналади.

Бу масалани ечишининг асосий йўналишларидан бири сифатида аҳолининг ўзини-ўзи иш билан таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, ўзгаришчан бозор конъюнктурасига мослаштирилган малака ошириш ва профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш зарур. Демак, биз сўз юритаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, қабул қилинаётган Давлат дастурларининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шoира ХАЙДАРОВА, Ибодатхон ЮЛДАШЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари ЎзЛиДeП фракцияси аъзолари

Тўйга тўёна

Тиниб-тинчимас тадбиркор Алишер Ниёзовни Сурхон аҳли яхши билади. У бундай эътирофга «Абулқосим Ниёзов» хусусий корхонасини ташкил этиб, ўзининг ибратли ишлари билан эришган.

Кумқўрғонда — «Турон» меҳмонхонаси

Алишер мустақиллигимизнинг 22 йиллик тўйи арафасида 40 ўринли «Турон» меҳмонхонасини қуриб, фойдаланишга топширди.

Туман марказидаги қаровсиз қолган меҳмонхонани замонавий архитектура асосида қуриб, фойдаланишга топширди. У энг сўнгги замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Ёнида янгидан қурилган 400 ўринли ошхона кеча-ю кундуз хўрандалар хизматида, — дейди А. Ниёзов. — Бундан ташқари, унинг ёнида болажонлар учун салқин ичимликлар, музқаймоқ кафеси, савдо дўконлари каби турли маиший хизмат шохобчалари иш бошлади. Натижада, мажмуамизда 40 та янги иш ўрни яратилди. Бу эзгу ишлар учун хусусий корхонамиз 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлади. Тижорат банкидан олинган 190 миллион сўмлик кредит мажмуани пардозлаш ишларига йўналтирилди.

Мажмуанинг очилиш маросимида Алишер Ниёзов Кумқўрғон шаҳри ва унга туташ маҳаллалар ҳудудида истиқомат қилаётган, кам таъминланган оила фарзандларидан 22 нафарининг суннат тўйларига бош-қош бўлди.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири



Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядининг барча биологоярлари самарали ишлаб турибди. Қарийб 200 фермер хўжалигига хизмат кўрсатаётган мазкур биологоярлар жамоаси айни пайтда гўза майдонларини турли касалликлар ва зараркундаларга қарши ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Суратда: лаборант Орувхон Унғарова.

Мақсад ХАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Тадбиркор ва замон

Бир пайтлари биз униб-ўсган гўша ҳавоси мўътадил, жаннатмақон жой эди. Уйимиз яқинидаги чорбоққа тағнадек офтоб нури тушмас, қўкка бўй чўзган азамат дарахтлар шабадада сокин тебраниб, гўё аллақандай ёқимли қўшиқни охиста куйлаётгандек туюларди. Туман маркази мўъжаз, кичик шаҳарчани эслатар, идоралар, дўконлар, овқатланиш шохобчалари батариб жойлашганди. Маданият уйи олдини беҳиштнинг бир бўлаги деса бўларди.

Қамолга етиб, уясини тарқ этган қўшлар мисол турли томонларга учирма бўлди. Болаликнинг бетакор эрталари кечган маъсуд маскан фарзандини олис сафарга қузатган она каби ортада мунгайиб қолди. Кўп йиллардан сўнг қиндик қон томган жойга бориб эсимиз оғавзди. Буни қарангки, шoir айтганидек Қамашидан «Бизнинг Қамаш» кетиб қолганди...

Қадрдон, сўлим ҳудудни қўқликка чулганган дарахтлар таг-туғи билан кесиб ташланган, кўчалар, ҳовлилар файзсиз, сув танқислиги боис она замин қарқаб ётарди.

Ушунда ичимизга куя тушгани робот, собит нарсанинг ўзи йўқ. Истиқлол аталмиш буюк имконият кўнгилларда мудраб ётган орзу-истакларга қанот бахш этди. Замон замоналар бўлиб, ишбилармоннинг куни туғди. Жумладан, қамашлик ака-ука Чўллиевларнинг ҳам...

Дилда ният тугиб, астойдил ин-

савдо мажмуасини барпо этишга киришишди ва унинг номини ҳам рамзий маънода «Антиқа» деб номлашди.

Дарҳақиқат, «Антиқа» антиқа жой бўлганди. Туманга таширф буюрган меҳмонлар ҳам бу ерга келмасдан, овқатланиш шохобчаларида «Кесган ош» ичмасдан кетолмасди. Айни чоғда савдо марказида озиқ-овқат, электр асбоб-ускуналари, хўжалик моллари, пойабзал, болалар ва катталар кийимлари, атир-ўпа, газмол, ўқув-ёзув-чизув ва идора жиҳозлари бўлимлари, ошхона, гўзаллик салони, расмхона, дори-хона аҳоли хизматида. Қирқ нафар йиғит-қиз бу ерда меҳнат қилади. Уларнинг қўнғилли ишлаш учун барча шарт-шaroит яратилган.

Инилари сингари Олимжон ҳам ишлаб, чарчамайдиганлар сирасида. У туман аҳолисининг мақорон маҳсулотларига эҳтиёжи катта эканлигини сезиб, уни шу ерининг ўзида ишлаб чиқаришга қарор қилди. Эрондан замонавий техника келтириб, «МикроМ» масъулияти чекланган жамиятига

асос солди. Ускуналар суткада 800 килограмм маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонанинг ишга туширилиши ишсиз юрган 47 нафар йиғит-қизнинг муаммосини ҳал қилди. Бугунги кунда эса жамиятда 73 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилаётди.

Бўлган қўшимча линияларнинг ўрнатилиши ишчи янада намунали ташкил этишга замин яратди. Эндилкида тадбиркор печенё, нон ва бошқа қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, яна 27 нафар кишини иш билан таъминлаш ҳаракатида. Корхона ҳар йили

Айни пайтда 60 турдан зиёд қадокланган мақорон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Улар сертифициланган, экспортга мўлжалланган, импорт ўринини сўвчи ҳамда давлат стандартларига тўлиқ жавоб бера олади. Маҳсулотларга талаб вилоят микёсида эмас, балки республикада ҳам ортиб бораётди. Иқтисодий тармоқларнинг ҳар жабҳасида ишлаб чиқариш корхонасини юксалтириш у ёқда турсин, барқарор фаолиятини таъминлашининг ўзи катта гап. Ана шундай бир шaroитда МЧЖ мавжуд муҳитга мослашиб, дадил қадам ташлаётди. Бунинг учун эса замон билан ҳамнафас бўлиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш масаласига катта эътибор қаратиш мундоқ вафқиятлар гаровидир. Жумладан, 72 минг АҚШ долларига тенг

бўлган қўшимча линияларнинг ўрнатилиши ишчи янада намунали ташкил этишга замин яратди.

Эндилкида тадбиркор печенё, нон ва бошқа қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, яна 27 нафар кишини иш билан таъминлаш ҳаракатида. Корхона ҳар йили

ўтказиладиган «Ташаббус» қўриқ-танловларида муваффақиятли қатнашмоқда. Энг яхши тадбиркор қўриқ-танловда эса Олимжон Чўллиевнинг ўзи совринли ўринларни қўлга киритиш ишти-ёқида.

— Кўп хорижий юртларда бўлганман, — дейди у. — Аммо ҳеч қайси мамлакатда тадбиркорга биздагичалик шарт-шaroит яратилмаган. Энг муҳими, изланишдан, меҳнатдан қочмасак бўлди.

Туман ҳудудидаги «Баланд чайла» қишлоғида мева-сабзавотларни қайта ишлашга иختисослашган «Агроосток» МЧЖ жойлашган бўлиб, унга Чори Чўллиев бош-қош. Айни пайтда жамиятда 37-40 киши муҳим меҳнат қилапти. Мавсумда улар сони янада кўпаяди. Бу ерда тайёрла-

наётган томат пасталари ва бошқа консерва маҳсулотларининг асосий харидори россияликлардир.

Чўллиевлар яна бир эзгу ишга қўл уришди. Улар 100 гектар ер оқиб, унинг 6 гектарини тоқорға айлантиришди. Майдоннинг асосий қисмига турли дарахт кўчатлари қадаб, парваришига эъри беришди.

Айтганча, Чўллиевлар бошқараётган корхоналар жамоаси битта бошланғич қасаба уюшма қўмитасига бирлаштирилган бўлиб, унга Қулмухаммад Чўллиев раҳбарлик қилапти. 200 дан зиёд қасаба уюшма аъзоларининг ҳақ-хўжуқлари ва манфаатлари мавжуд жамоа шартнома-сида тўла кафолатланган.

— Яхши-ёмон кўнларда бир-биримизга қамарбастамиз, — дейди қасабақўм раиси. — Байрамларни байрамдек нишонлайми. Зеро, умрининг ҳар бир лаҳзасини қадрламоқ жоиз. Меҳнаткашининг суняган тоғи бўлишига, унинг оғирини енгил қилишга уриналишимиз.

Чўллиевлар тўғрисида қўп ва ҳўб эътиш мумкин. Мўҳими, ақал-уқалар тадбиркорликнинг янги-янги қирраларини кашф этишди. Эл қорига яраб, юрт равнақига муносиб хисса қўшишди.

Шaroфат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Қамашилик Чўллиевлар

Ҳаёт йўриқномаси

Қадрли болажон! Сен келажиги буюқ бўлган Ўзбекистон заминида вояга етатирсан. Болажон халқинг ва буюқ истикболга интилатган давлатингнинг сендан умиди катта. Шунинг учун ҳам тенгсиз шароитлар кучоғида таълим олиб, қизиқинг доирасидаги тўғаракларга қатнаясан. Сўлим ёзинг санокли кунларини ўтказган оромгоҳингда яратилган шароит ҳам, аввало, яхши инсон бўлиб етишишинг, Ватан равнақи учун муносиб ҳисса қўша оладиган фуқаро сифатида шаклланишинг йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатдир.

Суякли дилбандим! Бағрикенг халқинг сени кўзининг оқу қораси янглиф севади ва ёруғ келажакни сенинг қўлларингда, шижоатга шайланган билакларингда, миллат шаънини юксакка кўтарётган елкаларингда кўради. Бу ишончли оқлашингдан умидимиз катта. Оромгоҳ остонасида сенга қўл силкиб қоларканмиз, эслатмаларимизга амал қиласан, деган ниятдамиз.

Шуни унутмагинки, бутун дунё саодати илмдандир. Қўраб кўзларинг нури, қалб қувватининг кўри билим ва тафаккур чегараларидан бошланади. Моддий ва маънавий ҳаётнинг ривожини учун кучли билим эгаллашинг талаб этилади. Ҳар соҳада илм зарур, илмдан ироқлашган ҳалокатга юз тутлади. Сен ўзингни илм билан қувватлантирсанг, халқингни ҳам кучли этган бўласан. Бунинг учун ҳаракатини ҳозирдан оқибатга ҳар кун киитоб мутулаа эт, мактабда аъло ўқишни мақсад қил!

Инсон учун икки буюқ незмат ато этилган. Улардан бири соғлиқ, иккинчиси хотиржамликдир. Инсон барча эзгу ниятларини тани соғлом, руҳи хотиржам бўлган пайтда амалга оширади. Улуғ ишларни амалга оширишни кўнглингда тугаркансан, саломатлигинг учун ҳам қайғуришни унутма. Эрта туришига одатлан. Ҳар тонгингни бадантарбия машғулотлари билан бошла, турли спорт тўғараклари ва сузиш ҳавзаларига қатнашни одат қил.

Вақтингни қадрла. Оқил инсонлар вақтини олтиндан қиммат билишади. Уни ҳавога совуриш эса нодонларнинг ишидир. Режаларингни амалга ошириш учун кўп вақт керак. Ва яна унутмагинки, ҳар бир ҳаракат факат бугундан бошланади. «Эртага...» дея режа тузувчи бўлма! Боболаримиз беҳиз айтишмаган: «Вақтдан ютган кундан ютади. Кундан ютган, умрдан ютади. Вақтини йўқотган кунини йўқотади, кунига ачинмаган умрини бой беради». Оромгоҳдаги кун тартибингни бу ердан кетгач ҳам, давом эттир. Шунда вақтни тўғри тақсимлашингга биз ҳам ёрдам қилган бўламиз. Зеро, асосий мақсадимиз сенинг камолотингга ҳисса қўшишдир.

Ҳар бир ҳаракатинг улуғ аждодларинг шаънига муносиб бўлсин. Ўзингни, сўзингни доимо назорат қила бил. Ўртбошимизнинг куйидаги сўзларини доимо ёдда сақла: «Энг муҳими, сиз кимнинг, қандай буюқ зотларнинг авлодлари эканингни доимо чуқур ҳис этиб, улуғ аждодларимизга муносиб бўлишга интилиб яшашингиз даркор».

Ўзги соғломлаштириш

Орзуларимга қанот берди

Қалбда шижоат, мақсад, фахру гурур пайдо қилувчи юқоридаги сўзлар оромгоҳда мен қатори хордиқ чикарган барча тенгдошларимнинг қўлидаги туҳфа-буклетда акс этган. Ўйлайманки, у кейинги мавсумга қадрар биз учун дастуруламал вазифасини бажаради.

Севимли оромгоҳим бағридан уй томон йўл оларканмиз, 12 кун ичида «Олмазор» мен учун қадрдон масканга айланиб улгурганини ҳис қилдим. Очиғи, сингилларим Нишурфар ва Мадина билан бу ерга йўл олганимизда, уйни соғиниб қолиб, қийналмасмиканмиз, деб ўйлагандик. Аммо деярли ҳар кунни ўтказиладиган тадбирлар, тўғараклар билан банд бўлиб, уй ҳақида ҳаёб суришга ҳам вақт топилмади.

Оромгоҳда директоримиз Хайрулло Каримов, бosh етакчимиз Шаҳноза Раҳимова ташкилотчиликда «Мен Ўзбекинг фарзандиман!», «Мустақил юрт фарзандларимиз», «Одам савдоси ва гиёҳвандликка қаршимиз», «Билимлар синови», «Кулгу кечаси» каби қизиқарли тадбирлар ташкил этилди. Уларнинг деярли барчасида ёд олган шеърларим, гимнастика элементлари билан фаол иштирок этдим.

Маданий хордиқ чикаришимизни эсда қоларди қилиб ўтказиш мақсадида вилоятдаги танқидли хонанда Адолат Ҳамидова, Ислонжон Қаюмов бошчилигидаги дорбозлар гуруҳи ташриф буюришди. Шунингдек, ёзги кинотеатримизда «Қал-

бим ардоғи» номли филм намойиш этилди. Икки йилдан бери Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази»даги бадий гимнастика тўғарига қатнайдим. Оромгоҳдаги улкан бассейнда сузиш билан шуғулланган, насиб этса, марказимизнинг сузиш тўғарига ҳам қатнаша аҳд қилдим.

Онам инглиз тили ўқитувчиси бўлгани боис, шу тилни мукаммал эгаллашимизни истаиди. «Олмазор»да Ш.Раҳимова бошчилигида инглиз тили сабоқларини турли йиллар, кўшклар ёрдамида ўзлаштириш орқали билимимизни янада мустаҳкамладик. Кутубхонадаги 2000 дан ортиқ китоблар орасида инглиз тили сабоқларини мустаҳкамловчи адабиётлар билан танишдим.

Мен каби 750 нафар ўғил-қизга яратилган бундай яхши шароит ва гамжўрлик учун ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак арзийди. Янги мақсад ва интилишларга қанот берганинг учун раҳмат, «Олмазор»!

Райхона ТҮЙЧИЕВА, Наманган шаҳридаги 34-мактабнинг 6-синф ўқувчиси



Ёзги соғломлаштириш мавсумида ёш авлод ҳусусида одатдагидан кўпроқ ўйлашимизга тўғри келади. Бу ҳолат фаулитимизнинг устувор йўналишлари билангина эмас, менталитетимиз, аҳолимизнинг ёш қатлами билан ҳам боғлиқ. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиснинг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган болалар, 64 фоизини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Шу сабабли ҳам ҳукуматимиз сиёсатининг етакчи соҳасини болалар ва ёшларнинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий ривожланиши учун энг яхши шароитларни яратиш, шунингдек, кўп болали оилаларни, етим ва оила муҳитидан маҳрум болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ташкил этади.

Шу кунларда вилоятимизнинг сўлим гўшаларида жойлашган дам олиш оромгоҳлари ҳар қачонгидан файзли. Болаларнинг ўқишдан ташқари вақтини сермазмун ўтказиш, ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан хордиқ чикаришларини таъминлаш, улар онгига миллий ғоя, ватанпарварлик туйғуларини ҳамда миллий ва умуминсоний кадриятларни синдириш, шу орқали ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш учун барча имкониятлар яратилган. Бунда ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида болаларнинг дам олиши ва соғломлаштириш Концепцияси» дастуруламал бўлмоқда.

Жорий йилда болалар соғломлаштириш оромгоҳларига ижтимоий ҳимояталаб, кўп болали оила-лар фарзандларини жалб этиш кўлами оширилиб, қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик мустаҳкамланди. Жумладан, «Ма-ҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда худудларда кам

Баркамол авлод камолоти йўлида

таъминланган, кўп болали оила-ларнинг фарзандлари имтиёзли соғломлаштирилди. Шунингдек, Вояга етмаганлар билан ишлаш бўлимлари рўйхатида турувчи болаларнинг соғломлаштириш ишлари ҳам тизимли равишда ташкил этилди.

Барча оромгоҳларда ички иш-лар, тиббиёт, коммунал-машиий соҳалар ходимларининг доимий навбатчилиги ташкил этилди. Бундан ташқари, хавфсизликни янада ишончли равишда таъмин-лаш мақсадида кузатув камерала-ри ўрнатилди.

Болажонлар маънавий олами-ни бойитиш мақсадида танқидли санъаткорлар билан учрашувлар уюштирилмоқда, турли филмлар намойиш этилмоқда. Шунингдек, фан, маданият ва санъат намоян-далари, Олий Мажлис депутатла-рининг оромгоҳларга ташрифи болажонлар дунёқарашини янада кенгайтираётир.

Таъкидлаш жоизки, болаларни

олишга шай турибди. Шунингдек, келгуси йилларда вилоятнинг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда бошқа оромгоҳлар фаолиятини ҳам тубдан яхшилаб бориш режалаштирилмоқда.

ЎзКУФК раҳнамолигида амалга оширилаётган чора-тадбирлар на-тижасида болаларнинг тизимли равишда дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш кўлами

киритган «Офтобча» мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда бола-ларнинг мириқиб хордиқ чикари-ши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Биринчи мавсумда Меҳрибонлик уйлари тарбияла-нувчиларидан 50 нафари, иккин-чи мавсумда «Билимлар синови» беллашувлари голибларидан 30 нафари имтиёзли равишда со-ғломлаштирилди.

Вилоятдаги барча оромгоҳлар-да «Офтобча»даги сингари муно-сиб шароитларга эришиш, бола-ларнинг мириқиб дам олишлари-ни ташкил этишга ҳаракат қилин-моқда. Яна бир муҳим жиҳат шун-дан иборатки, ҳозирги даврда авж олиб бораётган «оммавий мада-ний»нинг турли кўринишларига қарши мафқуравий иммунитетни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу каби эзгуликларни амалга ошириш учун имконият ҳам, шарт-шароит ҳам етарли. Ўрт-бошимиз таъкидлаганидек, «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албат-та, бахтли бўлишлари шарт». Бу борадаги масъулиятнинг шараф-ли юки бизнинг ҳам зиммамизда эканлиги ҳар биримизга бемисл қувват бағишлайди.

Зулайхо МАҲКАМОВА, Наманган вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

Меҳр нони-ю, оқибат суви-ла вояга етган фарзандлар ота-боболари сингари ҳаётни ҳамisha яхшиликларга буркашни шараф билишади. Халқимизнинг азалий ва муқаддас одатлари, эзгу дунёқарашини ўз ҳаракат дастурларида ифода этаётган давлат ва нодавлат ташкилотлари ёш авлодга оид тадбирларга алоҳида ёндашмоқда. Чунки бугунги ёшларнинг миллий тараққиёт занжирини олтин ҳалқага айланиши мустаҳкам келажак ва фаровонлик гаровидир. Бу азалий ҳақиқат қасаба уюшмаларининг сўнгги пайтларда омма орасида салмоқли самараси билан кўзга ташланаётган кўп-кўп акцияларида намойн бўлаётир. Мазкур ҳолат Наманган вилоятида ҳам ўзига хос манзара касб этган.

Ўзбекистон қасаба уюшма-лари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилаётган «Мустақиллик менинг тақдиримда», «Бахтиёр бола-лар мамлакатини», «Қасаба уюшмалари — болаларга» ак-циялари доирасида ташкил этилаётган лойиҳалар нафа-қат ёш авлод, бошқа ижти-моий қатламлар ҳаётида ҳам акс-садо бераётир. Мазкур тадбирлар, аввало, бор маз-мун-моҳияти билан қасаба уюшма ташкилотларининг ёшлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллашига хизмат қилса, ик-кинчи тарафдан навқирон ав-лоднинг ҳар томонлама бар-камол, юксак салоҳиятга эга бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда.

Тан поклиги — руҳ софлиги

Мактабга илк бор-ган кунни ҳеч кимнинг ёдидан чиқмасе ке-рак. Биринчи кунги-роқ садолари ости-да сеҳрли оламга қадам қўйган онимиздаги ҳаяжонни ҳеч нарса билан тенглашти-риб бўлмайди. «У ким?», «Бу нима?», «Қаерда?», «Қачон?», «Нимага?» каби сўроқларга жавоб излаган болажон, та-бийки, ҳамма нарсани би-лишни истаиди. Ширинтой-ларга билимлар оламининг калитини тутқазиш ҳаракати-ни эндигина бошлаётган ус-тоз ёнида бир дунё совға тутганча пайдо бўлган «ама-кио холалар»нинг кимлиги эса янада қизиқарли. «Қаса-ба уюшмасиданми?» дейиш-ди. Тўғри, бу тушунча улар учун бироз тушуниқсиздир, аммо вақти келиб улар шу ҳаракатнинг асосий қатлами, эҳтимол фаоллари бўлишар? Эҳтимол, «Кўш уясиде кўрга-нини қилади» нақлига амал қилиб, улар ҳам юртдошла-римиз ҳаётининг барча бос-қичлари (хоҳ болалик, хоҳ ёшлик, хоҳ кексалликда қаса-ба уюшмасининг хайрли тад-бирларини қўллашар?..

Утган ўқув йили аввалида вилоятнинг Наманган тумани-да «Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» тадбири ўтказилган. Тумандаги 4-, 5-, 7-, 18-, 21-, 38-, 41-мак-табларнинг 357 нафар би-ринчи синф ўқувчиси мазкур тадбирнинг иштирокчиси бўлишган эди. Жорий йилда эса мазкур тадбир доираси-да 700 нафар ўқувчи қамраб олинади.

— Озода юрсақ, қўлларимизни ҳамisha тоза сақласак, касал бўлмаймиз, — деган эди 18-мактабнинг 1-«А» синф ўқувчиси Хуснида Аъзамжонова (Дарвоқе, Хус-нида ҳозир 2-синфнинг энг аълочилиридан бўлишга ҳозирлик қўрмоқда). — Со-ғлом бўлсак, ҳар кунни мак-табга кела оламиз, дарслар-ни қолдирмай, энг аълочи ўқувчига айланамиз. Шунинг учун бизга қасаба уюшмаси-дан озодалик воситалари тўплами совға қилишди. Со-вун, шампун, тиш пастаси, чўткаси, нам салфеткалар.

Тозалик ва озодаликни таъминлайдиган бундай ма-

сулотлар ҳар бир оила, ҳар бир муассасада бўлиши аҳоли саломатлигига, турмуш фаровонлигининг янада оши-шига хизмат қилади. Зеро, қасаба уюшмаларининг асо-сий мақсади ҳам аҳоли ҳаётини ҳар тарафлама фаровон этишдир.

Кунда — бир байрам

Нуфузли жамоат ташкило-ти Халқаро болаларни химоя қилиш ўн кунлигида муносиб иштирок этди. Айни шу кун-ларда қасаба уюшмаси маб-лағи ҳисобидан хордиқ чика-раётган болажонлар қувончи вилоят истироҳат боғларини тутди. Вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан 10 млн. сўм миқ-дориде маблағ ажратилиб, 12

хордиқ чикаришини ҳам қам-раб олишга интилоқда. Ай-ниқса, бу ҳаракат сўнгги йил-ларда янада яққол кўзга таш-ланаётир.

Вилоятда жорий йилда 76 та оромгоҳ фаолият юрит-моқда, шундан 9 таси стац-ионар, 67 таси кундузги ором-гоҳлардир. 9 та стационар оромгоҳда мавсум давомида 5420 нафар болани дам ол-дириш учун ижтимоий суғур-та маблағлари ҳисобидан 210 млн. сўмдан зиёд, қаса-ба уюшма маблағлари ҳисо-бидан 151 млн. 400 миң сўм, 67 та кундузги оромгоҳ-да 11310 нафар болани дам олдириш учун ҳомийлар ҳисобидан 565 млн. 500 миң сўм маблағ сарфлаш режа-лаштирилган. Оромгоҳлари сифатли озиқ-овқат махсу-лотлари билан таъминлаш

Меҳрдан ўзга таъма йўқ

нафар чин етим, иқтидорли, кам таъминланган оила фар-зандларига вилоятда ишлаб чикарилаётган, хорижидан асло қолишмайдиган «NoGin» велосипедларидан олиб бе-рилади.

Бундан ташқари, «Меҳри-бонлик уйи» тарбияланувчи-лари, махсус мактаб-интер-натларидаги ногирон ҳамда ота-онасиз, боқувчисини йўқотган чин етим, кам таъ-минланган, иқтидорли бола-ларнинг 3500 нафарига ўқув қуроллари, ёзги спорт кийим-лари, спорт анжомлари, эн-циклопедия китоблари тақ-дим этилди. Яна шунча ўғил-қизнинг маданият ва истиро-ҳат боғларига саёҳати уюш-тирилди. Кам таъминланган оилалар фарзандлари, шу-нингдек, таълимда юксак на-тижаларга эришаётган ўқув-чилардан 500 нафари учун вилоятнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлари таш-кил этилди.

Бу каби хайрли тадбирлар-да, айниқса, Ёшлар кенгаши фаоллари етакчилик қилмоқ-да. Ҳар бир эзгу иш қасаба уюшмасининг ҳамиятдаги ма-вқенини кўтариш, меҳнаткаш-ларнинг ижтимоий турмуш-тарзини яхшилашдаги фаоли-ятини кенг оммага етказиш, ташкилот бўрсини ошириш баробарида унга ишонганлар сафини кенгайтирмоқда. Бун-дан эса Бирлашма қошида ташкил этилган Ёшлар кенга-ши янги аъзоларни жалб этиш мақсадида унумли фой-даланаётир.

Янги ғоя, юксак мақсад сари

Қасаба уюшма ташкилот-лари ишчи-ҳодимлар манфа-атини ифода этаркан, бу ту-шунча доирасига аъзонинг оиласи, хусусан фарзанд-лари саломатлиги, мароқли

мақсадида вилоятдаги етак-чи таъминот корхоналари ва фермер ҳужаймалари билан шартномалар тузилган бўлиб, ҳар бир бола учун бир кунда овқатланиш меъёри 6500 сўмни ташкил этмоқда.

Соғломлаштириш мавсуми давомида ўғил-қизларимиз-нинг ҳар томонлама хавфсиз-лиги, интеллектуал ўсишини таъминлаш педагог кадрлар-га катта масъулият юклайди. Шунинг учун жорий йилнинг 24 май кунини оромгоҳларда фаолият олиб борувчи 141 нафар педагог ходим учун ви-лоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ўқув курслари ташкил этилиб, уларга сертификатлар берил-ди.

— 6 кун давомида 36 соат-лик махсус курсни тамомла-дик, — дейди «Олмазор» оромгоҳи бош етакчиси Ша-ҳноза Раҳимова. — Аввал ҳам оромгоҳда ишлаганман. Аммо мазкур курс давомида олган билимларим болажонлар би-лан ишлашнинг янги услуб-ларини эгаллашимга сабаб бўлди. Уларнинг оромгоҳи-мизда ўтаётган ҳар бир кун-идан шодлиги янги-янги ғоялар устида изланишимга туртки бўлаётир.

Таъкидлаш ўринлики, бар-ча оромгоҳлардаги мавжуд панно ва кўргазмалар янги-ланиб, керакли анжому жи-ҳозлар билан таъминланди. Худуд хавфсизлиги, санита-рия ҳолати, озиқ-овқат мах-сулотлари сифати, таъмино-ти, оромгоҳда ташкил этила-ётган маданий-маърифий ва спорт тадбирлари самара-дорлиги вилоят мувофиқлаш-тирувчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилди.

Оромгоҳларда болаларнинг дам олишлари ва бўш вақтла-рини мазмунли ўтказиши учун барча шароит яратилди. Тиб-

бий хизмат кўрсатиш, маъна-вий хоналари, кутубхоналар, спорт тўғараклари ишлаб ту-рибди. Жумладан, маънавий хоналари жами 19600 доно ло-тин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувидаги бадий адабиётлар билан таъминлан-ган. Вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси то-монидан методик қўлланмалар етказиб берилган.

Болалар орузидаги дам-ларни ташкил этишда улар-нинг қизиқиши, қобилияти, иқтидори асосида олиб бори-ладиган, «Қадр-қимматим, та-янчим ва ифтихоримсан, мус-тақил Ўзбекистон!» ширини ўзида муҳассам этган турли маънавий-маърифий ва спорт йўналишидаги мусобақа, кўрик-танлов ва тадбирлар алоҳида аҳамият касб этмоқ-да. Болаларнинг салоҳияти, интеллектуал ривожланишини ҳисобга олган ҳолда «Флорис-тика», «Инглиз тили», «Мил-лий ҳаракатли ва оммавий спорт ўйинлари», «Техник мо-деллар ясаш», «Юмшоқ ўйин-чоқлар ясашга ўргатиш» каби янги номдаги тўғараклар фа-олият кўрсатишда.

Бундан ташқари, вилоятда ташкил этилиши режалаш-тирилган 67 та кун-дузги оромгоҳдан ҳозирда 49 таси фаолият кўрсатиб, уларда 6920 нафар ўқувчи дам олаётир.

«Меҳнат — роҳат» оромгоҳ-ларини ташкил этиш бўйича туманлар ҳокимлари ҳамда касб-хунар коллежи ўқувчилар-и ўртасида учрашувлар таш-кил этилиб, унда оромгоҳлар-да ўқувчилар учун яратилади-ган шароитлар тўғрисида ту-шунтиришлар берилди. Бун-га кўра, жорий йил ёзги мав-сумида 11 та туманда ташкил этиладиган 49 та «Меҳнат — роҳат» оромгоҳларига 3660 нафар коллеж ўқувчисини жалб этиш кўзда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойлари-да намунавий лойиҳалар бўйича кўламини кенгайти-ришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарори ижроси юзасидан 2013 йилда Наманган вилоят-ида 11 та туманда 34 та массивда қурилаётган 700 та намунавий лойиҳадаги ўй-жой қурилишини жадаллаштириш мақсадида ёзги таътилга чиқ-қан коллеж талабаларидан 1715 нафари турилиш отряд-ларига рўйхат асосида жалб этилиб, пудратчи ташкилот-ларга ишчи кучи сифатида ёрдам бериб келишмоқда. Энг муҳими, ёшлар қалбида меҳнатидан завқланиш, бу-нёдкорлик ҳиссидан фахрла-ниш туйғуларни қарор топаё-тир.

...

Бола — подшо, дейди доно халқимиз. Бу подшолик фақат ўйин-кулгудан иборат бўлмай, эртанги фаровон ҳаёт учун пойдевор бўладиган билим, ўғаларга ҳам фойда келтира оладиган хунар ўрганиш учун имконият ҳамдир. Теранроқ ўйлаб қурилса, зумда ўтиб ке-тувчи бу вақт биз катталар учун ҳам бир синов. Бугун сизу биз-га умид-ла кўз тикиб турган ўғил-қизимизга ниманики илимас, эртага шу ҳаракатлар ҳосилини оламиз. Яхшилик қилиб энг буюқ эзгуликлар би-лан жавоб олайлик. Зеро, до-нолар демишки, бугдэй эккан, бугдэй олур.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» муҳбири

Болалари шодон диёр бу, Истикболи ёруғ, нурафшон. Ушалмасдан қолмайди орзу, Бахтли бўлиш — энг олий фармон!



Темир МАМАДАМИНОВ олган сурат

XXVII Жаҳон универсиадаси

Каноэчиларимиз Козон шаҳрида бўлиб ўтаётган Бутунжаҳон универсиадасида навбатдаги бронза медални тақдим этишди.

Яна бир бронза



500 метр масофага 4 кишилик каноэ бахсларида Илдар Қайюмов, Мирзиёдун Ҳожиёв, Дилшод Йўлдошев ва Муроджон Азметовдан иборат терма жамоа учун шарт яхши бошланмади. 250 метрли масофада йигитлар бор йўғи 5-ўринда боришаётганди. Массофанинг иккинчи ярмида тезликни оширган вакилларимиз марра чизигини учинчи бўлиб кесиб ўтидилар.

Мазкур медал делегациямизнинг ўнинчи бронзасидир. Шунингдек, вакилларимиз ҳисобида 2 та олтин ва 7 та кумуш медал бор.

Дзюдо

Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази матбуот хизмати берган маълумотларга кўра, Москва шаҳрида 20-21 июл кунлари «Катта дубулга» туркумига кирувчи халқаро турнир бўлиб ўтади.

Полвонлар шай

Мукофот жамғармаси 150 минг АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур мусобақада юртимиз шарафини энг кучли полвонларимиздан 8 нафари ҳимоя қилади. Булар — Баҳром Иноятов (-60 кг.), Мирзохид Фармонов (-66 кг.), Улуғбек Норқобилов (-66 кг.), Наврўз Жўрақобилов (-73 кг.), Шўратжон Арслонов (-81 кг.), Эркин Дониёров (-90 кг.), Хуршид Набиев (-90 кг.) Рамзиддин Саидов (-100 кг.)



Полвонларимиз ҳозирда сўнги тайёргарлик машғулотларида иштирок этишмоқда.

Сув спорти

Пойтахтимизда сузиш бўйича 1999-2004 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида мамлакат чемпионати ўтказилди. Мусобақада 400 дан ортиқ ёш спортчи кураш олиб борди.

Ғалабалар шодаси



1999-2000 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида 50 ва 100 метрга эркин усулда сузиш бўйича Азамат Насриддинов ва Дмитрий Иванов (Тошкент) маррага биринчи етиб келди. 100 метрга брасс ва чалқанча усулда сузишда Темир Язиков (Анджон) ва пойтахтлик Даниил Козлюк голиб бўлди. Темир Язиков 200 метрга брасс усулда сузиш бўйича олтин медални қўлга киритди. 200 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича андижонлик Уткир Зулунгов, 200 ва 400 метрга комплекс сузиш бўйича Ерқинбек Тўланбоев ва Азизбек Мамажоновга голиблик насиб этди.

Қизлар баҳсида андижонлик Фотима Омилова 50 метрга баттерфляй, 100 метрга эркин ва брасс ҳамда 400 метрга эркин усулда сузиш бахсларида тўртта олтин медалга сазовор бўлди. Ушбу ёш тоифасида қолган бахсларда пойтахтлик Сабина Михайлова, Татьяна Ким, андижонлик Комила Максудова ва навоийлик Саломат Нормуродова ҳам турли усулда сузиш бўйича голиб чиқди.

Ун икки ёшгача бўлган спортчилар баҳсида пойтахтлик Миржалол Жаҳонгиров тўртта олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, пойтахтлик Андрей Медведев, Ботир Мустоев, Тошкент вилоятидан Жамшид Фазлиддинов, навоийлик Рифат Галляуддинов, самарқандлик Темир Рустамов каби ёш спортчилар ҳам голиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Адахм АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан миллат саломатлигига масъул инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари кучайтирилаётганлигининг асосий сабабларидан бири ҳам эл-юрт саломатлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишдир.

Мутахассислигим врач-гинеколог бўлганлиги туфайли оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан мунтазам қизиқиб бораман. Хоразм вилоятида «Соғлом она — соғлом бола»

Ҳозирда «Соғлом она — соғлом бола» дастури орқали турмуш қуришга тайёрланаётган йигит ва қизларнинг саломатликлари, жинсий ҳаёт гигиенаси бўйича етарли билимга эга бўлишларига масъулият билан ёндашилаётгани, нодавлат но-тижорат ташкилотлари, шифокорлар томонидан тарғибот тадбирлари қўллаб-қўллашлари бежиз эмас. Чунки, тажрибаларда англашилаётганидек, аёлларга ҳомиладорлик давридагина эътиборли бўлиш кифоя эмас. Бинобарин, қизларнинг ёшлик давридан бошлаб соғ-саломат ўсишларини таъминлаш лозим. Оналар билан мулоқотларда ҳам, ёшлар

ҳар томонлама қомил инсон бўлиб вояга етishi учун қайғуришимиз шарт ва зарур. Фарзанд тарбияси деганда фақат болаларнинг моддий фаровонлигини таъминлаш тушунилмайди. Улар саломатлиги учун ҳам жавобгарлиқни ҳис қилишимиз шарт. Бу жараёнда она сути боланинг соғлом ва бақувват ривожланиши учун энг муҳим озуқа эканлигини унутмаслигимиз керак. Она сути таркибида бола ўсиши ва ривожланиши учун керакли барча озуқалар жамланган. Марказимиз томонидан уюштирилаётган тадбирларда кўкрак сути билан боқилинган аҳамияти ҳам кенг тарғиб қилинмоқда.

Соғлом она — соғлом бола

дастури асосида олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиб, ушбу дастур ўз самарасини бераётганлигидан қалбим қувонча тўлади. Жумладан, йилнинг ўтган даврида вилоятдаги туғиш ёшидаги аёлларнинг 188 минг 272 нафари тиббий кўриқдан ўтказилиб, 122 минг нафарида турли хил экстрагенитал касалликлар аниқланган. Улардан 84 минг 524 нафари соғломлаштирилган.

Вилоятдаги 14 ёшгача бўлган болалардан 221 минг 867 нафари тиббий кўриқдан ўтказилиб, 113 минг 340 нафарида ҳар хил касалликлар аниқланган. Шуллардан 69 минг 985 нафари соғломлаштирилган.

Миллат саломатлигини таъминлашда ниқоҳолди тиббий кўриқнинг аҳамияти катта. Жорий йилнинг ўтган даврида 7038 та ниқоҳ қайд қилиниб, 14076 нафар ёшлар тиббий кўриқдан ўтказилган. Бу каби чора-тадбирлар натижасида оналаримиз ва фарзандларимиз ўз саломатликларидан хотиржам, фаровон турмуш кечирмоқдалар.

Кейинги йилларда репродуктив саломатлик иборасини тез-тез тилга оляимиз. Репродуктив саломатлик — бу репродуктив тизим ва унинг фаолиятига боғлиқ барча масалалар борасида фақат касаллик ва камчиликлар йўқлиги бўлибгина қолмай, балки тўлиқ жисмоний, ақлий ва ижтимоий муваффақиятлар ҳолати ҳамдир. Репродуктив саломатликни муҳофаза қилишнинг 12 та тамойилига амал қилиш орқали соғлом фарзанд туғилишини кафолатлай оламиз.

орасида ташкил қилинаётган давра суҳбатлари, тренинг машғулотларида ҳам қариндошлар ўртасида, эрта ниқоҳнинг олдини олиш, ўз саломатлигига ёшликдан эътибор қаратиш, гиёҳвандлик, алкогольизм, кашандалик каби иллатлардан узоқ бўлиш, соғлом турмуш тарзи тамойилларига риоя қилиш хусусида қайта-қайта таъкидлаймиз. Шунингдек, ниқоҳланувчи шахслар тиббий кўриқдан ўтишини аҳамиятини ҳам ёшларимизга кенг-роқ тушунтириш даркор. Чунки, эрта ҳомиладор бўлиш, туғиш она ва бола саломатлигига ҳавф солиши мумкин. Бунга атрафдаги воқеа-ҳодисалар орқали гувоҳ бўлялмиш. 16-17 ёшгача қизлар туғилиб, бўйлари ўсиб қолади, аммо бу хали улар она бўлиш учун тайёр эканликларини англамайди. Ҳомила тараққий этиши ва бола туғиш учун нормал шароит вужудга келмаганини, тос суюқлари ривожланмаганлиги сабабли, туғиш жараёнида жароҳлиқ усулдан фойдаланишга тўғри келади батыан. Қизлар 20 ёшдан кейин жисмонан ва руҳан она бўлишга тайёр бўладилар. Эрта турмуш қуриш кўпинча фарзандсизликка, боланинг чала туғилишига, ҳомиладорлик асоратларига олиб келиши мумкин.

Фарзанд — ота-она муроди, қувончи, бахти. Оила фарзанд билан мустаҳкам. Ҳар бир ҳаракатимиз замирида болаларимиз бахт-саодатини кўриш истаги мўжассам. Шундай экан, фарзандимизнинг соғлом бўлиб дунёга келиши учун доим масъулият билан ёндашимиз, унинг

Спиртли ичимликлар истеъмол қилидиган, тамаки чекувчи ва гиёҳвандликка ружу қўйган оилаларда туғма нуқсонли ва акли заиф фарзандлар дунёга келиши мумкинлигини ҳам қайта-қайта уқтирялмиш. Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишда эътибор қаратишимиз керак бўлган яна бир жиҳат, бу шахсий гигиена қоидаларига амал қилишдир.

Англашилаптики, саломатликни муҳофаза қилишда она ва бола саломатлигини таъминлашда қўлгина омиларга эътибор қаратиш лозим. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, инсоннинг узқ умр кўриши асосан соғлом турмуш тарзи тамойилларига амал қилишига боғлиқ. Демак, соғлом турмуш кечирishi умримизнинг узунлигини, миллат саломатлигини кафолатлайди. «Ҳамдурд» марказимиз она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасида фаолият юритар экан, ушбу мақсадга эришиш йўлидаги ҳеч бир жиҳатни эътибордан четда қолдирмайди.

Биз аёли улуғланган, онанинг ҳурмати баян бўлган юрда яшаймиш. Бу бахтин хис қилган ҳолда, миллат бардавомлигига, саломатлигига жавобгар эканлигимизни ҳам унутмаслигимиз лозим.

Нигора ҚУТЛИМУРОДОВА, Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилоятидаги масъул ташкилотчиси

Расмлар кўргазмаси

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасида пойтахтимизнинг Юнусовод туманидаги 86-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Комила Саатованинг «Болалик дунёси» мавзусидаги расмлар кўргазмаси очилди.

Мамлакатимизда ёшларнинг иқтисодини юзага чиқариш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан бу борада тегишли вазиридан ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар амалга оширилаётди. «Камалак хилоси», «Сайёрамизга тинчлик» мавзусида ташкил этилаётган танловларда иқдоркор ёшлар ўз машқуларини устозлар назаридан ўтказиб, тажриба ва маҳоратини оширмоқда.

У.А.

Шавкат узоқ йиллик айрилиқдан сўнг ватанга қайтди. Поезддан тушиши билан ўзи орзулагандек қўлини ерга теккиздир-ю, қони гупириб кетди. Одамларнинг бари қондошидек, «Ўз юртинга хуш келибсан!» дейётгандек туюлар, ҳар бирини бағрига босиб, пешонасидан ўнгиси келарди. Аслида, бу юрда ҳеч кимни қолмагани унинг. Биргина ўртоғи бор, уникига борса, танбех эшитишини ҳам яхши билади. Лекин бошқа илоҳий йўқ, уни кўриши керак.

Элдор шунча йилдан сўнг ўртоғини кўриб, хайрон бўлмади. У бир кун келиб Шавкатнинг қайтишини билар, бунга ишонганди ҳам. Улар бир-бирларига бир муддат тикилиб қолди. Шавкатнинг кўзидан ёш тиркираб, танаси-

қатори яшашини учун икониётга яратиб бериб, бир ота ўғлига қилиши лозим бўлган яхшиликни қилганди. Афсуски, у пайтда мен ва яхшилик ўлчовини тўғри баҳолай олмадим. Бунга беғона юртларда тентираб, ҳақорат, хорлик

ри «даво қилишимизни ис-тамасанг, машинани бизга бер» дейишди. Унинг бо-шқа илоҳи қолмаган эди. У ҳам пулидан, ҳам машинадан айрилганини айтиб долларди. Сен совға қилган машинани шундай ахволга солганидан уялиб, билдирмай кетиб қолдим. Тайинланган жойга етиб бордик. Ундан кейинги 7 йиллик ҳаётим қўлликда ўтди. Инсоннинг мол каби қайта-қайта сотилганини ўша ерда кўрдим. Уччаланишни қайтиб ўраштиришмади. Тил бириктириб қочмаслигимиз учун шундай қилишган бўлишса керак. Бутунлай беғона одамлар орасида қолдим. Биласанми, боқайтган итларига

ўртоғининг олдига суриб қўйди. — Йўқ, — деди Элдор Шавкатни хайрон қолдириб, — аслида, машина меники эмасди. Уни дадан қолдирганиди менга. Сен унинг узидан қабул қилмаслигини билгани учун ҳам шундай қилган бўлса керак. — Шунчами?! Шунинг учун ҳам буюрмаган экан-да. Расво одамнинг пули ҳам, нараси ҳам, қилган иши ҳам расво. Балки томиримда унинг қони оқаятгани учун шунча вақт йўлдан адашгандирман?! — Бу баҳона эмас. Ҳамма гап ўзингда, — деди Элдор кесиб-кесиб. — Катъий фикринг бўлса, сени ҳеч

Юрт қадр

ни энгил титроқ босди. Ўртоғини бағрига босиб, тўйиб йиғлаб олгиси келди. Аммо Элдор бунга имкон бермади. — Кир ичкарига, — деди ниҳоят Элдор совуқгина.

Элдорнинг ховлиси кичик бўлса-да, жуда саранжом, ҳамма нарса батартиб. Томорқасида бир қарич очик жой йўқ. Қатор мевали дарахтлардан тортиб, сабзавотларнинг ҳар турлиси топилади. Серкўёш ўлканинг нима неъматини бўлса, шу кичик ҳовлида мўжассам гўё. Шавкат меҳнатга, ерга, Ватанга муҳаббатнинг ифодасини шу уйда кўриб, ўртоғига ҳаваси келди.

— Сенинг қайтишининг олдинги хатларининг тўзатиш учун, деб ўйласам адашмайманми? — сўради Элдор синовчан боқиб.

— Адашмайсан, олдинда гуноҳорман, мени кечир.

— Ушанда нега кетишга қарор қилгандинг?

— Кечир, дўстим, юрт соғинчи, меҳр-оқибат қадр, бир бурда ноннинг таъмини у пайтда тушунамаган эканман. Сен ўз ризикини топиб, ҳамма

кўргандагина тушуниб етдим. Элдорни бу гаплар қоник-тирмаётганди, тезроқ ҳаммасини билгиси келарди.

— Елғиз ўзинг, беғона юртга кетишга тўсатдан қарор қилмагандирсан, шундайми? Тўғриси айти!

— Сендан яшириб бўлармиди, айтаман!..

Изириб ва пушаймонлик юрак-бағрини эзаётган Шавкат дўстига меҳр билан тикилди. Сўнг сўзини давом эттирди:

— Биз уч киши эдик. Сен берган машинани яхшигина нархга пулладик. Бизга бундай машиналардан ўтасини ишлаб келиш имкони бор эди, деб ўйласам адашмайманми? — сўради Элдор синовчан боқиб.

— Адашмайсан, олдинда гуноҳорман, мени кечир.

— Ушанда нега кетишга қарор қилгандинг?

— Кечир, дўстим, юрт соғинчи, меҳр-оқибат қадр, бир бурда ноннинг таъмини у пайтда тушунамаган эканман. Сен ўз ризикини топиб, ҳамма

биздан кўра тузуқроқ муомала қилишарди. Иш ҳақи талаб қилган биттасининг, кўз олдимизда, бармоғини кесишди. Ҳар бир исёнингда битта бармоғинг кетади, деб оғоҳлантириб ҳам қўйишди. Э, у азобларнинг ба-рини эслаб қайтадан изтиробга ту-шишини истамайман. Фақат бир нарса ич-этимни қомириб қўймайман. Бир амаллаб қочганимдан кейин ўшаларнинг қаттаси отам эканини эшитдим. Қандай ахволга тушганимни тасаввур қила-ётгандирсан? Афсуски, уни кўролмадим. Кўрганимда ай-тадиган гапларим бор эди. У кўл остида қанча одам борлигини биларкану қайси юртдан келган, қандай инсонлар экани билан қизиқмас экан. Демакки, мени ҳам билмаган. Хуллас, бир яхши одамнинг ёрдами билан ўша дўзахдан қутулдим. Ҳатто бир оз пул ҳам ишлаб олдим. Сенга қар-зимини қайтарishi учун бош эгиб ҳузурингга келдим.

Шавкат бир даста пулни

ким йўлдан уролмасди. — Э воҳ, одам ҳар қанча ҳаракат қилмасин, пешонаси-га ёзилганидан қочиб кутул-лолмайди, дейишгани шуми-кин-а?!.

— Омад ҳам, омадсизлик ҳам ҳеч кимнинг эшигини та-қиллатиб кириб келмайди. Хатти-ҳаракатингга ярашаси-ни оласан. Мана билдинг, менинг олдимда қарздор эмассан. Аммо сени ўз юр-тинга қайтарिशга ҳаракат қилган инсонлар, Ватан ол-дидаги бурчингни унутмасанг бўлгани!

Шавкат ўртоғиникидан чиқ-қанда ёмғир севаляб турар-ди. Намланган ер ҳиди ди-мо-ғига урилиб, хушбўй гул хиди сингарди ором бағишлади. Тўйиб-тўйиб нафас олди. Юзини юваётган ёмғир гўё қалбига сингиб, ғуборини ювиб юбораётгандай энгил тортиди. Кўнгли ойнаси ра-вшанлашиб, ичидан ёқимли бир нидо келди:

— Шундай роҳат, хотиржам-лик яна қайда бор?..

Холида ФАЙЗИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Tashkent realtor service» МЧЖ:

«Ishonch» газетасининг 2013 йил 25 май 64 (3257)-сонидан берилган эълондаги Автомобилларга сиқилган газ тўлдирish компрессор стан-цияси қурилиши учун Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Қизгалдоқ» ҚФЙ, ТХАЙ ер-лари худудида жойлашган, ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 3 882 883 сўм бўлган 0,7 гектар-дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи бўйича очик танлов савдоси Зангиота тумани ҳокимлиги-нинг 16.07.2013 йилдаги 02-1/148-сонли хатига асосан қолдирилганлигини маълум қилади.

Очик танлов савдоси Тош-кент вилояти, Зангиота тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 1 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади ва 10 кун ичи-да танлов голиби аниқлана-ди ҳамда эълон қилинади. Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртма-маларни қабул қилиш 2013 йил 31 июл куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш ва мурожаат қилиш учун телефон рақамлари: Тошкент шаҳар, Бу-жор кўчаси 10-уй, 16-хона. Тел. (8371) 147-40-00, факс: (8371) 233-06-59, электрон почта: info@realtorg.uz.

Лицензия RR-0008.

«Tashkent Realtor Service» МЧЖ 2013 йилнинг 13-июл куни бўлиб ўтган очик аукцион савдоси натижасини маълум қилади:

Тошкент вилояти, Янгиўл тумани, «Шўрالىсой» ҚФЙ манзилда жойлашган «BAM BRICK TAYORLOV» МЧЖ мул-ки мажмуаси. Бошланғич ба-ҳоси 50 929 408 сўм, соти-лиш баҳоси 54 825 000 сўм. Лицензия RR-0008.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari Zayniddin Rixsiyev Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadiyev, Oksana Belasova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. ISSN 2010-5002 177203050007 Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tahoq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73. Viloyatdagi muxbirlar: Andijon +998 91 141-27-70; Buxoro +99893 653 50 81; Sirdaryo +998 90 999 58 30; Jizzax +998 94 418-67-49; Navoiy +998 94 226-28-84; Namangan +998 90 260-50-77; Samarqand +998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo +998 95 502-16-68; Farg'ona +998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00.

Manzilizimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A. Abdullayev Navbatchi: N. Mahamov Musahhili: S. Shodiyeva. Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Topshirishi - 19.00. E-mail: ishonch2012@gmail.com. Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullayev. «Sharq» nashriyot matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonani manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.